



2025 йил 31 декабрь, 273-сон

СИЁСАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР ЯНГИ ТОШКЕНТНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИНИ ОШИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ушбу кутубхона Янги Тошкентда барпо этилаётган таълим ва маърифат масканларининг тизимида муҳим ўрин тутиб, ёш авлодининг интеллектуал ривожига учун мустаҳкам замин бўлишини таъкидлади. Илм-фан ва маънавиятга сармоа киритган давлатнинг иқтисодий салоҳияти ҳам барқарор ва юқори бўлиши қайд этилди.

Замонавий кутубхона имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ходимлар ахборот технологиялари ва халқаро стандартларини чуқур ўзлаштириши зарурлигига эътибор қаратилди.

Янги Тошкентда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишув давомида Президент Шавкат Мирзиёев Чирчиқ дарёси устидан янги кўприк ҳамда метро бекати билан бирлаштирилган автотураргоҳ барпо этиш ишларини кўздан кечирди.

Пойтахт ва Янги Тошкент ўртасида транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, транспорт оқимини самарали бошқариш ҳамда аҳоли учун қулай ҳаракат муҳитини яратишга қаратилган мазкур лойиҳалар шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Янги кўприк Тошкент ва Янги Тошкентни боғлайди. Бир суткада 40-50 мингта автотransпорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади. Қурилиш ишлари жорий йил охирида бошланган бўлиб, айни пайтга келиб лойиҳанинг дастлабки қисми амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳил ҳудудлари кўкаламзорлаштирилади, энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилди, пиедалар ва велосипед йўлақлари барпо этилади. Шунингдек, кўприк орқали икки тасмалли трамвай йўли ётқизилиши режалаштирилган.

Янги Тошкентни Тошкент шаҳри билан боғлайдиган бўлажак метро линиясининг узунлиги 21 километрни ташкил этиб, 9 та замонавий бекатни ўз ичига олади. У кунига 230 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Линия пойтахт метросининг мавжуд тармоқлари билан тўлиқ интеграция қилинади, бу эса йўловчилар учун ағона ва узлуксиз транспорт тизimini шакллантиради.

Давлатимиз раҳбари бўлажак линиянинг автотураргоҳ билан интеграцияланган

бекатларидан бирининг қурилиш жараёни билан танишди.

Метро бекати билан интеграцияланган автотураргоҳ 20 минг квадрат метр майдонда барпо этилади, унда автомобиллар, пиедалар ва жамоат транспортни ҳаракати аниқ ажратилиб, хавфсизлик ва функционалликка устувор аҳамият берилади.

Айни пайтда ҳудудда ер ишлари ва бетон қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Мажмуа 2027 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг Янги Тошкент учун стратегик аҳамиятини таъкидлаб, қурилиш ишларини белгиланган муддатларда, юқори сифатда амалга ошириш бўйича ўз тавсияларини берди.

Давлатимиз раҳбари Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекциясига ҳам таъриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган ва истиқболдаги йирик қурилиш лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Мазкур шаҳар қурилишига 2023 йилда тамаил тоши қўйилган эди. Лойиҳа учун Юқори ва Ўрта Чирчиқ туманларидан жами 19 минг 700 гектар ер майдони ажратилган. Концепция Британиянинг “Cross Works” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Айни пайтда бу ерда 100 дан зиёд катта-кичик лойиҳалар жадал олиб борилмоқда. Ҳар бир ташаббус халқаро метёблар ва замонавий шаҳарсозлик тенденцияларига асосланади.

Ҳозирга келиб, дастлабки иншоотлар маҳобати кўрина бошлади. Якунига етаётган 2025 йилда янги шаҳарда олиб борилаётган қурилиш майдонлари 3 миллион квадрат метрга етди.

Бир қанча уй-жой массивлари қурилиш якунини босқичга кирди. Инфратузилма объектларида ишлар жадал бормоқда.

Биринчи босқичда 6 минг гектар ҳудудда қурилиш ишлари бажарилади. Натижада 600 минг аҳоли учун замонавий инфратузилма барпо этилиши белгиланган. Лойиҳа тўлиқ якунланганда эса Янги Тошкент 2 миллион нафар одам яшайдиган улкан мегаполисга айланади.

Бундай кўламдаги қурилиш узоқ муддатли ва барқарор инфратузилмани талаб қилади. Ҳозирги пайтда ҳудудда йирик ер ости муҳандислик тармоқлари қурилмоқда. Бир ва икки секцияли коллекторлар ётқизилиб, иссиқлик, сув, электр энергияси ва телекоммуникация каби барча тармоқларнинг ер остидан ўтказилиши таъминланмоқда.

Транспорт қатновини енгиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Туннель ва ер ости автотураргоҳларининг барпо этилиши шаҳарнинг келажақдаги ҳаракатланиш тизими учун муҳим экани қайд этилди.

Ҳудудда ўн километрлик соҳил боғи ташкил этилди. Бир миллион туп бута ва кўчатлар экилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шаҳарсозликда “яшил” тамойиллар муҳим ўрин тутиши лозимлиги айтилди. Бунда метро ва электробуслар ҳаракатини мувофиқлаштириш, пиеда ва велосипедчилар учун хавфсиз, тўсиқсиз йўлақлар барпо этилиши бўйича масъулларга қўшимча топшириқлар берилди.

Ҳудудда 60 дан ортиқ давлат идоралари учун замонавий маъмурий бинолар қурилади. Айни вақтда қатор вазирлик ва идоралар вақтинча мажмуаларда фаолият бошлаган.

Инвесторларнинг фаоллиги ҳам юқори. Аукцион орқали сотилган 24 та тижорий лот бўйича 2 миллиард долларлик инвестиция шартномалари имзоланган. Бу маблағлар ҳисобидан меҳмонхоналар, ресторанлар, сервис марказлари ва ўзига хос архитектурага эга замонавий бинолар барпо этилмоқда.

Айни пайтдаги қурилиш жараёнининг ўзида 10 минг нафар инсоннинг бандлиги таъминланган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан кейин эса инновацион технологияларга асосланган, юқори даромадли юз минглаб доимий иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Президентимизга Янги Тошкентда барпо этилаётган туризм объектлари, хизмат кўрсатиш ва дам олиш мажмуалари, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида амалга оширилиши режалаштирилаётган йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ташаббусда илм-фан ютуқларига таяниш, лойиҳаларда маҳаллий руҳни акс эттириш, энг асосийси, улар халқ манфаатига хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Марҳабо ҲОЖИАҚБАРОВА,
ЎЗА махсус мухбирлари

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 26 декабрь кунин Олий Мажлис ва кўп миллатли халқимизга йўллаган Мурожаатномасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқиш вазифасини қўйган эди.

Таъкидлаш жоизки, 2023 йилда қабул қилинган бу дастурий ҳужжат барча соҳа ва тармоқларда улкан натижаларга эришган бўлмоқда. Камбағаллик даражаси 11 фоиздан 6,8 фоизга, ишсизлик 6,8 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 103 миллиард доллардан 145 миллиард долларга етди. Экспорт ҳажми эса 25 миллиард доллардан 33,4 миллиард долларга, хорижий инвестициялар ҳажми 17 миллиард доллардан 43 миллиард долларга ошди. Хорижлик саяёҳлар сони 6,6 миллиондан 8,6 миллион нафарга, мактабгача таълим қамрови 72 фоиздан 78 фоизга, олий таълим қамрови 42 фоизга, Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлар сони 144 тадан 164 тага етди.

Шу билан бирга, сўнгги икки йилда Президентимизнинг 650 дан зиёд фармон ва қарори қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан 500 дан зиёд турли даражадаги йиғилиш, учрашув ва тақдиротларда барча соҳалар бўйича янги вазифалар қўйилди.

Масалан, икки йил олдин 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажминини 160 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган эди. Энди бу маррага 2026 йилнинг ўзига эришилиши кутилмоқда. Мурожаатномада келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажминини 240 миллиард доллардан ошириш имконияти борлиги таъкидланди. Яъни юртимизда барча соҳаларда юқори марралар олиняпти.

2023 йилда аҳолимиз сони 36,7 миллион нафарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб, 41 миллионгача ошиши

прогноз қилинмоқда. Ҳар бир янги мақсадни ушбу ўсишни инобатга олиб белгилаш ҳам муҳим.

Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларда тенденциялар ҳамда динамика ўзгарапти. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект, аҳоли эҳтиёжлари ҳам янги қадамларни, аниқ режаларни кун тартибига қўйяпти.

Ушбу ўзгариш ва натижаларни ҳисобга олиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда илмий марказларнинг 350 нафардан ортиқ вакиллари иштирокида стратегиядаги барча 444 та самарадорлик кўрсаткичи бутунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди.

Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳаси қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятли:

биринчидан, барча кўрсаткичлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган янги марраларга мослаштирилди ва тўлдирилди. Бунда, юртдошларимизга муносиб шароит яратадиган, ҳар бир инсон ва оила ҳаётида сезиладиган мақсадларга алоҳида эътибор қаратилди;

иккинчидан, барча кўрсаткичлар ўлчанадиган, яъни сон шаклида (фоиз, улуш, даража, ҳажм, нисбат, балл, индекс) бўлиши қатъий белгиланди. Ҳисоблаб ёки баҳолаб бўлмайдиган, умумий вазифа, топшириқ ва “шиор” кўринишидаги кўрсаткичлар чиқариб ташланди (бундай бандлар 130 та);

учинчидан, барча самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши 2030

йилгача йилма-йил белгиланди. Яъни ҳар бир ижобий ўзгаришнинг йиллар кесимида кўриш имконияти яратилди;

тўртинчидан, стратегияда ҳар бир вазирлик ва идора ўз ўрнини топди. Хусусан, лойиҳага кўра, 60 тага яқин давлат органларига тегишли самарадорлик кўрсаткичи белгиланди;

бешинчидан, ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига эришилишини таъминлайдиган молиявий манбалар аниқ кўрсатилди;

олтинчидан, энди соҳа, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепция ва стратегиялари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилиши қатъий белгиланади. Жумладан, кейинги йил 50 тадан зиёд шундай концепция (4 та), соҳа ва тармоқларни ривожлантириш стратегиялари (38 та) ҳамда ҳар бир ҳудудни ривожлантириш стратегияларини (14 та) қабул қилиш режалаштирилган.

Умуман, стратегиядаги самарадорлик кўрсаткичларига эришиш барча даражадаги ташкилотларнинг энг устувор вазифаси ҳисобланади.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилди.

Шунга кўра, такомиллаштирилган стратегия лойиҳаси uzbekistan2030.uz ва regulation.gov.uz платформаларида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Барча юртдошларимизни фаровон турмушимиз ва тараққиётимиз асоси бўлган стратегия муҳокамасида фаол иштирок этиб, фикр билдиришга чақирамиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Муносабат

“Маҳалла ривожланса, жамият юксалади. Миллий бирдамликнинг энг мустаҳкам қалъаси ҳам айнан шу ерда — маҳаллада қарор топади.



МИЛЛИЙ БИРДАМЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛЪАСИ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома йўллаш амалиёти янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви ва сиёсий маданиятнинг ажралмас қисмига айланди. 2017 йилдан бошланган ушбу анъана ўтган йил натижаларини ҳолис баҳолаш, мамлакат тараққиётининг муҳим стратегик йўналишлари ҳамда келгусидаги вазифаларни аниқ белгилаб олишда самарали сиёсий механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Мурожаатнома, аввало, давлат раҳбарининг халқ билан очиқ мулоқоти, жамият олдидagi масъулияти ва ҳисобдорлигининг амалий ифодасидир. Президентимиз Мурожаатномаларига хос муҳим жиҳат шундаки, унда ҳаётдаги муаммолар ва масъул ижроичилар белгиланмоқда. Лўнда айтганда, ушбу Мурожаатномалар “давлат — халқ учун”, деган эзгу тамойилнинг ҳаётдаги яққол ифодаси бўлиб, барчамизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бирлаштирмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг 2026 йилга мўлжалланган устувор йўналишларини белгилаб бергани, халқимизнинг орзу-умид ва интилишларини ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлашни тақлиф этди ва ушбу ташаббус йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бундай ном танлаиши тасодифий эмас. Унинг замирида йиллар давомида тўпланган тажриба, пухта ўйланган сиёсат ва мустаҳкам ҳуқуқий асос мужжасам. Мурожаатномада маҳалла тизимининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилгани ҳам бунинг яққол далилидир. Президентимизнинг “Маҳалла ва яхши қўшничилик ўзаро уйғун кадриятлардир. Улар жамиятда инсоний ва ижтимоий капиталини янада бойитишга беқиёс ҳисса қўшади” деган сўзлари сўнгги йилларда маҳалла йўналишида амалга оширилган ислохотлар моҳиятини кўрсатади.

Маҳалла тизими янги Ўзбекистон ислохотларининг марказида турибди. Ҳаракатлар стратегиясидан бошлаб, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” каби механизмларнинг жорий этилгани маҳалладаги ижтимоий муаммоларни жойида ҳал қилиш имкониятини яратди. Маҳалла тизими ходимлари кунининг белгилангани, аввал “учлик”, кейин “бешлик”, бугун эса “еттилик” тизимининг йўлга қўйилгани мазкур ислохотларнинг узвий давомидир.

Бугун Ўзбекистон 38 миллиондан ортиқ одам яшайдиган улкан давлатдир. Ҳар йили аҳоли сони ўртача 2 фоиз ўсиб, 1 миллиондан зиёд ўғил-қизлар катта ҳаётга қадам буюмоқда. Бу рақамлар янги авлодининг қўл бунёдкорлик салоҳиятини кўрсатади. Шу билан бирга, мураккаб глобал шароитда ёшларни ватанларвар, фидойи ва масъулиятли инсонлар қилиб тарбиялаш, жамиятни бирлаштиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Ижтимоий сўровлар натижасида аҳолининг



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



очилади. Натижада 2026 йили камбағаллик даражаси сезиларли қисқариб, минглаб оилалар фаровон ҳаёт сари қадам қўяди.

Йиғилишда бевосита Мурожаатномани тинглар эканман, шундай қатъий ҳулосага келдим: **халқ — маҳалла — ватан** тушунчалари Президентимиз амалий фаолиятининг асосий ғоясига, ҳаётий формуласига айланган. Бу ҳалқнинг асосида ватанинг мўъжаз парчаси бўлган маҳаллада яшаётган юртдошларининг тақдирига қайғуриш, оддий инсонлар ҳаётини тезроқ яхшилаш, уларнинг эҳтиёжларини чуқур англаш, муносиб турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсади мужжасам.

Бунинг тасдиғи сифатида Президентимизнинг Мурожаатномада билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринли деб ўйлайман: “**Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зарафшон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жиззах ва Сирдарёгача — юртимизнинг қайси ҳудудда яшамасин, ҳар бир фуқаромиз ислохотлар натижасини кундалик ҳаётда янада кўпроқ ҳис қилиши керак...**

Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради. Шу боис, маҳалла тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали биз мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишларни давом эттирамиз”.

Зеро, маҳалла ривожланиш, жамият юксалади. Миллий бирдамликнинг энг мустаҳкам қалъаси ҳам айнан шу ерда — маҳаллада қарор топади.

Биргина мисол, қисқа муддатда Зомин, Фориш, Арнасой туманлари ва Жиззах шахрида 2 миллиард долларлик 500 дан зиёд туризм ҳамда сервис объекти иш бошлади. Арнасой ва Зоминда 300 миллион доллар ҳисобига 12 ой давомида тўлиқ ишлайдиган курорт зоналари ишга туширилди. Уларда аэропортлар барпо этилди.

Умуман, Жиззах энг жозибадор сайёҳлик йўналишлардан бирига айланди. Бу ўз ўрнида янги иш ўринларини очиб, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини оширди. Масалан, 8 йил олдин Жиззахдаги иш ўринларининг 42 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келарди. Ҳозир вилоятдаги 310 мингга яқин одам саноат ва сервис соҳаларидаги юқори даромадли ишлар билан банд. Буларнинг барчаси йиллар давомида амалга оширилган ислохотлар самарасидир.

БАЛАНД МАРРАЛАРГА ПОЙДЕВОР, УЛКАН МАҚСАДЛАРГА ҚУВВАТ БЎЛГАН ОЙ



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

Бошланиши 1-бетда

Декабрдаги энг катта воқеалардан бири эса, шубҳасиз, Президентимизнинг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси бўлди. 2026 йил юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилинди.

Президентимизнинг Мурожаатнома йўллаши аънаёнага айланиб улгурди. Йил ҳали адогига яқинлашмай халқимиз кун санаб Мурожаатномани кута бошлайди. Чунки унда ўтган йил таҳлил этилиб, келгуси марралар белгилаб олинади. Барча соҳада ислохотларнинг янги босқичини белгилаб берадиган имконият ва имтиёзлар, стратегик мақсадлар айланибди.

Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Мамлакат етакчиси Мурожаатнома аввалда: “Сўнгги тўққиз йилда биз сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Иқтисодийимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтирдик, қонуни устуворлигини мустаҳкамладик. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Бунини Оролбўйининг олис овиғида яшаб, боласини богчага кузатиб, ўзини ишига кетаётган келинлар ҳам, чегарадаги савдо марказида қўшни давлат фуқаролари билан бемалол олди-берди қилаётган тadbиркорлар ҳам бирдек тасдиқлайди.

Яна бир мисол: ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар узоқ йиллар жамиятимизнинг оғирлиги нуқтаси бўлиб келди. Энди аҳолининг масаласи маҳалланинг ўзидagina ҳал этиляпти. Бу улар қалбидa эртанги кунга ишонч йўғотиб, чексиз қувват бағишляпти, жамиятнинг фаол аъзосига айланибди.

Умуман, барча соҳадаги янгиланишлар рақам, ҳисоботлар учун эмас, чин маънода инсон қадриятини улугʻлаш учун амалга оширилди. Мана шу ишлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этмоқда. Бунини дунё ҳамжамияти ва нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам эътироф қилмоқда. Хусусан, 2025 йил тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулот қиймати 145 миллиард доллардан ошди.

Албатта, бу юртимизнинг қанчалик катта имкониятларга эга эканини кўрсатади. Айни пайтда янада баландроқ марра олишга ундайди. Шу боис, Президентимиз “Бундан иккни йил олдин “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қабул қилганимизда ялпи ички маҳсулот ҳажминини 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказишни белгилab олган эдик. Кўриб турибсизлар, мавжуд салоҳиятимиз, бугунги ислохотларимиз, тadbиркорларимизнинг фаоллиги, хорижий шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз ўсиб бораётгани ҳисобига бу маррага 2026 йилнинг ўзидa бемалол эриша оламиз”, деди.



“Мамлакатимиз етакчисининг декабрдаги фаолияти ҳудудларга ташриф билан ҳам ёдда қолди. Жумладан, Президентимизнинг Жиззахга ташрифи нафақат вилоят аҳли, балки бутун ўзбекистонликлар учун эсда қоларли воқеаларга бой бўлди.

Ўтказилган олий даражадаги мулоқот ва учрашувлар, халқаро миқёсдаги тadbирлар давлатларимиз ҳамкорлигини бутунлай янги босқичга олиб чиқиши билан тарихий аҳамият касб этди. Ташриф янги Ўзбекистон сиёсатида яхши аънаёнага айланиб улгурган қувончли воқеа билан бошланди. Яъни Токио шахрида Президентимизни Японияда меҳнат қилаётган ва тахсил олаётган ватандошларимиз қизгин кутиб олди. Давлатимиз раҳбари улар билан самимий суҳбатлашди. Бу суҳбат барчага бирдек кўтаринки кайфият улашди.

Мана шу кўтаринкилик, ишчанлик кайфияти ташриф давомида эришилган ютуқларда яна бир қарра ўзини кўрсатди. Президентимиз ташриф давомида Токиода бўлиб ўтган “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди.

“Марказий Осиё +” мулоқоти Ўзбекистоннинг халқаро майдонда нуфузи ошиб, минтақамиз ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини яна бир қарра тасдиқлади. Мулоқот давомида Президентимиз нафақат мамлакат, балки бутун минтақа ҳаёти учун муҳим қатор ташаббус ва тақлифларни илгари сурди. Жумладан, саммитларни давлат раҳбарлари даражасида ҳар икки йилда бир марта ўтказиш тақлифи этди. Қолаверса, “Марказий Осиё — Япония” рақамли хаби — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “буямлар интернет”, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик платформасини яратиш тақлифи илгари сурилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти саммити доирасида кўп томонлама бизнес форумида иштирок этди. Ўзтиборлиси, ташриф одатдагидек тигиз иш кунини ташкил этди. Жумладан, Токиода Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазирини Санаэ Такачининг музокаралари бўлиб ўтди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари турли даражадаги учрашув ва қабуллар ўтказди. Хусусан, Япониянинг етакчи компаниялари, молия институтлари ва бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашди. Мақсад эса битта: халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти учун

янги эшикларни очиш, аввалги келишувларни янги босқичга олиб чиқишдир.

Давлатимиз раҳбари учун дам олиш кунларисиз ўтган мана шундай тигиз иш ҳафтасида Япония сафари Россияга амалий ташрифга улашиб кетди. Президентимиз 21 декабрь куни Санкт-Петербург шахрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.

Президентимиз ушбу йиғилишда ҳам қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, ўзаро товар айирбошлашда савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария стандартларига ёндашувларни уйғунлаштириш учун МДҲ ва ЕОИИ институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақлифини билдирди. ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз етакчисининг ана шу халқпарварлик сиёсатини 12 декабрь куни Ашхобод шахрида бўлиб ўтган Тинчлик ва ишонч халқаро форумида иштирок этиш учун Туркменистонга ташрифи мисолида ҳам кўрдик. Президентимиз ушбу форумда нутқ сўзлади, глобал сиёсий жараёнларга оқилона баҳо берди. Шундай мураккаб вазиятда қандай йўл тутиш борасида яна янги ва истиқболли ташаббусларни илгари сурди. Шу орқали Ўзбекистон тинчлик, тенг дипломатик ҳамкорликка асосланган маърифий сиёсатида қатъий эканини яна бир қарра тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкентда ижодий жамоалар, олимлар ва адиблар иштирокида “Маданиятлар мулоқоти” деб номланган қўшма халқаро гуманитар форумини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, таълим, маданият ва волонтерлик ҳаракати соҳаларидаги ташаббусларни биргаликда амалга ошириш орқали ёшларни тинчлик ва ишонч жараёнини мустаҳкамлашга жалб этишга йўналтирилган “Ёшлар тинчлик ва ишонч йўлида” минтақавий дастурини жорий этиш ташаббуси билдирилди. Умуман, Туркменистон сафари ҳам мамлакатимиз ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутадиган келишув, истиқболли суҳбат, учрашув ва музокаралар билан ёдда қолди.

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон ва Парагвай Президентлари қўшма баёнот имзоладилар. Шунингдек, етакчилар ҳузурида Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши доирасида бозорга кириш масалалари бўйича икки томонлама музокаралар яқунлангани тўғрисидаги баённома ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашув механизминини йўлга қўйиш тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон ва Парагвай Президентлари қўшма баёнот имзоладилар. Шунингдек, етакчилар ҳузурида Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши доирасида бозорга кириш масалалари бўйича икки томонлама музокаралар яқунлангани тўғрисидаги баённома ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашув механизминини йўлга қўйиш тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Қолаверса, Парагвай етакчиси Халқаро автомобиль федерацияси Бош ассамблеясида ва федерация шафелигида ўтказилган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш маросимида иштирок этди.

Сўзимиз аввалда “ACWA Power” раҳбарининг эътирофини эслаган эдик. Ушбу ҳақли эътироф 5 декабрда бўлиб ўтган “Барқарор энергетика — Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами” мавзусидаги анжуманда янграган эди. Тадбирда қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, ҳамкор хорижий давлатлар масъуллари, жумладан, Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор, Озарбайжон Республикаси энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов, Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев, шунингдек, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари, дунёнинг йирик тармоқ компаниялари раҳбарлари, инвесторлар иштирок этди.

Анжуман доирасида қарийб 11 миллиард долларлик 42 та энергия ишлаб чиқариш, сақлаш қувватлари ва бошқа инфратузилма иншоотлари фаолияти йўлга қўйилди. Яна 21 та шундай ишшоот қурилишига старт берилди. Умуман, мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу анжуман жадал ривожланиб бораётган янги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳаётимизни энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакат етакчисининг ташаббуси билан дунёнинг етакчи компаниялари ва ишбилармонлар доираси билан бу борадаги изчил ҳамкорлик энергия масалаларига ечим бўляпти.

Тан олиш керак, узоқ йиллар соҳага деярли эътибор берилмади. Мавжуд қувватлар ҳам турлича қарашлар, зиддиятли ҳолатлар сабаб сўроқ остида қолган эди. Кейинги йиллардаги ислохотлар тўғрисида бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамизга халқаро энергия бозорида истиқболли ҳудуд сифатида қаралмоқда. Шу каби ҳаётий ҳақиқатлар Муҳаммад Абунайян “Янги Ўзбекистоннинг асосий энергия манбаи — бу сиз, хурматли Президент!”, деганида қанчалик ҳақ эканини кўрсатади.

Мамлакатимиз етакчисининг декабрдаги фаолияти ҳудудларга ташриф билан ҳам ёдда қолди. Жумладан, Президентимизнинг Жиззахга ташрифи нафақат вилоят аҳли, балки бутун ўзбекистонликлар учун эсда қоларли воқеаларга бой бўлди.

Сўнгги йилларда Жиззах вилояти мамлакатдаги саноати энг тез ўсаётган ҳудудга айланди. Зеро, вилоятда кейинги саккиз йилда 6,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ишга туширилди. Шунинг 45 фоизи саноат ҳиссига тўғри келади. Жиззахда йилгига 175 минг автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Шу тариқа фақат қишлоқ хўжалигига ихтисослашиб қолган вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли тубдан ўзгарди.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари қўллаб янги лойиҳалар, истиқболли иқтисодий қувватлар билан танишди. Ижтимоий ишшоот ва манзилларни кўздан кечирди. Тигиз иш кунини ва жуда самарали ўтган ташриф давомида мамлакат етакчиси оддий одамлар билан учрашишга ҳам вақт топди. “Кўк сарой” савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасида юртдошларимиз билан самимий мулоқот қилди.

Мамлакатимиз етакчисининг халқимизга яқинлиги, доим юртдошларимизнинг дарди билан яшаши Сирдарё вилоятига ташриф давомида яна бир қарра кўзга ташланди. Сирдарё пойтахтига энг яқин ҳудуд. Бу унга логистика ва бошқа иқтисодий жиҳатлардан устуник беради. Қолаверса, табиий имкониятлари билан ҳам ажралиб туради. Шунга қарамай, у энг қоқоқ вилоятлар қаторига тушиб қолганди. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар сирдарёликлар ҳаётида ҳам ижобий кўрсаткичларни кескин оширди. Жумладан, сўнгги 8 йилда вилоятга 4 миллиард доллар инвестиция киритилди. Шу даврда 187 та йирик қувват ишга туширилди. Қолаверса, 120 минг янги иш ўрни очилди. 50 га яқин янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада саноат ҳажми 8 йилдан сўмдан 25 триллион сўмга етди.

Яна бир муҳим рақам: илгари дотация олган Гулистон, Янгйер шаҳарлари, Бобўт, Мирзаобод, Сайхунбод, Сирдарё ва Ховос туманлари ўз харажатини ўзини қоплаш даражасига чиқди.

Президентимиз ташаббуси билан вилоят салоҳиятини янада оширишга хизмат қиладиган қатор янги лойиҳаларга асос солинди. Жумладан, Сирдарё туманида 122 миллион долларлик автомобилсизлик лойиҳаси ишга тушадиган бўлди. Қозғистон билан ҳамкорликда Сирдарё туманида Марказий Осиё халқаро саноат кооперацияси марказига старт берилди. Ушбу марказ ҳудудда қиймати 300 миллион долларлик 14 та саноат корхонаси 2026 йилнинг биринчи чораги якунигача иш бошлайди. Муҳими, 2026 йилда яна 720 миллион долларлик 40 та янги лойиҳа жойлаштирилади. Бу каби рақамларни эса яна узоқ санаш мумкин.

Гулистон шахридаги умумий овқатлаш шохобчаларидан бирида газ баллонни портлаш оқибатида бир неча юртдошимиз жароҳат олган эди. Давлатимиз раҳбари Республиканинг Сирдарё вилоят филиалига бориб, тан жароҳати олган фуқаролар даволаётган палаталарга кириб, улардан хабар олди, оила аъзолари билан суҳбатлашди.

Бундан ташқари, Гулистон шахри Бўстон маҳалласидаги бунёдкорлик ишларини бориб кўрди. 2025 йил обод маҳаллага айланган ҳудуддаги барча кўп қаватли уйлар таъмирланди. Маҳалла марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот ўтказди. Учрашувда барча ҳудудларда қўйи бўғиндаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ислохотлар самараси Сирдарёда ҳам ўз аксини топаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Президентимиз пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Ўша кунини Тошкент шахрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича келгуси вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди. Бу ташриф ҳам бошқалари каби давлатимиз раҳбарининг оддий одамлар билан самимий суҳбати билан ёдда қолди.

Очиги, декабрь ойи юртимизда аҳамиятли воқеаларга бой бўлди. Уларни қисқача изоҳласак ҳам битта мақолада қамраб олиш мушкул. Мақола сўнггида улардан баъзиларини келтириб ўтмоқчимиз. Жумладан, Ёшлар Параосий ўйинларида жасорат ва матонат соҳиб бўлган спортчиларимиз 125 олтин, 77 кумуш ва 52 бронза медални қўлга киритиб, иштирокчи давлатлар орасида энг юқори натижани қайд этди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини арафасида соҳа вакиллари билан учрашув ўтказилди. Улардан бир гуруҳи давлат муқоти билан тақдирланди. Қолаверса, мамлакат етакчиси қатор соҳалар ривожини бўйича тақдимот, тақлифлар билан танишиб, қонуни ҳужжатларини қабул қилди.



Ҳаётимни ўзгартирган йил



“ЙИЛ АЁЛИ” ЭЪТИРОФИ САБР ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИМНИНГ МУКОФОТИ

Бир вақтлар уйи йўқлиги туфайли икки ёшли фарзандини онасига ташлаб, турмуш ўртоғи билан чет элга ишлашга кетган оддий аёл эдим. Бошимиздан кўп қийинчиликлар ўтди, ҳаммасига сабр қилдик. Ўзга юртда юриб кўча тозалаган пайтларим ҳам бўлди. Кейинроқ бепул уй ва озик-овқат билан таъминлагани учун чиқиндиларни қайта ишлаш заводида ишладик. У ердаги ёкимсиз хидга чидаб ишлаш, яшаш осон эмасди. Аммо тезроқ пул тўплаб, уйга қайтиш илинжида ҳаммасига чидадик.

Гулмира ЖУМАЕВА,
Каттақўрғон шаҳридаги
“Anvarjon Biznes Invest”
МЧЖ раҳбари,
“Йил аёли — 2025” миллий
танлови Гран-при ғолиби

Заводда меҳнат қилиш баробарида иш ўргандим. Завод раҳбари аёл киши эди. Унга ҳавас қилиб, мен ҳам юртимизга қайтгач, шундай корхона очишни ният қилганман. 2010 йилларда Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш амалиёти деярли йўқ эди. Ниятим ҳолис экан: ҳавас, ҳаракат, меҳнат ортидан ўйлаганларимга эришдим. 2015 йилда юртимизга қайтиб, ана шу ишга киришиб кетдим. Дастлаб 20 эшак арава билан иш бошладим. Ён-эгротдаги ишсиз хотин-қизларни жалб қилиб, аввалига кўчалардан чиқиндиларни йиғиб, саралаб, заводларга топширдим. Бундан яхшигина фойда қолаётганини кўргач, ишимни кенгайтирдим. 2016 йилда чиқиндиларни қайта ишлайдиган “Anvarjon Biznes Invest” МЧЖ корхонаси фаолиятини йўлга қўйдим.

Шу ишни бошлаганимга ҳам ўн йил бўлибди. Ўтган йилларда фақат меҳнат қилдим, сабр билан ишладим. Тадбиркорлигим айнаи янги Ўзбекистон ислохотлари бошлангич даврга тўғри келгани ҳам менга катта ёрдам берди. Юртимизда тадбиркорларга берилган имтиёزلардан тўғри фойдаландим. Ҳозиргача ҳар бир фармон ва қарорда кўрсатиладиган имтиёزلарни ўрганиб, уларни қўллашга интиламман. Босис, булар биз учун, ишбилармонларнинг янада ривожланиши учун берилаётган экан, унумли фойдаланишимиз керак.

Қисқа муддатда оғуздаги заводни қуришга ҳам эришдим. Бунинг учун давлатимиз томонидан 4 гектар ер ноль балансда берилди. Ҳозир ана шу ерда чиқиндини қайта ишлаб, кунига 30-35 тонна гранула шаклидаги тайёр махсулот чиқарамиз. Корхоналаримизда сўнгги 5 йилда 178 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Асосий харидорларимиз пластмасса махсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналардир.

Заводга Хитойдан олиб келинган энг сўнгги русумдаги технологиялар ўрнатилган. Ҳозир 93 та техникамиз бор, заводимиз Самарқанддаги гигант корхоналардан. Айни пайтда 426 ишчи-ҳодим доимий меҳнат қилади. Нафақат ўзим ва оилам, балки ана шу ходимларнинг ҳар бири яхши шароитда, тинч ва хурсанд яшаш учун доим ҳаракатдаман. Қолаверса, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали вилотимиз экологияси яхшиланиши, ҳудудда саноат махсулотлари ишлаб чиқарилиши кўрсаткичи ортиши, одамлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётганимдан қувонаман.

Шундай қилиб оддий, камбағал аёлдан катта тадбиркорга айландим. Инсон сабр билан меҳнат қилса, истаганига эришар экан. Буни ўзим мисолиmdа ишонч билан айтга оламан. Ҳеч ким менга ишонмаганда ҳам шу кунлар келиши, ҳаммаси яхши бўлиши, мен ҳам бошқалар каби тўқис ҳаёт кечириб, яхши шароитларда яшашимга ишонганман. Бугун шуларнинг барчаси учун шукр қиламан.

2025 йил ҳаётимда энг унутилмас, омадли, муваффақиятларга бой йил бўлди. “Табиат кўриқчиси”, “Тадбиркор аёл —

қаҳрамон аёл” каби бир қанча мукофотлар билан тақдирландим. Августда Қирғизистонда “Аёл — лидер, дунёни яхшилик сари ўзгартирувчи куч” шиори остида ўтказилган нуфузли халқаро форумда қатнашиб, 200 га яқин аёл раҳбар қаторида нутқ сўзладим. Шунингдек, бу йил яна бир орзум ушалди — 42 ёшимда олиий маълумотли бўлдим, бакалавр дипломини олдим. Йил охирига келиб эса хитойлик ҳамкорлар билан йирик инвестиция битимини имзолашга эришдим.

Энг унутилмас ва қутилмаган воқеа декабрнинг сўнгги кунларида рўй берди. “Йил аёли — 2025” миллий танловининг Гран-при мукофотига муносиб қўрилди ва менга Президентимиз совғаси — “Onix” автомобили топирилди. Экранда фаолиятим ҳақидаги лавҳа қўйилганида қаттиқ ҳажжондан йиғлаб юбордим. Очиғи, унча-бунча вазиятда йиғламайман, барча қийинчиликларга бардош берган аёлман. Лекин ўша куни йиғладим. Бу қувонч кўзёшлари эди. Ўша лаҳзада кўрган барча қийинчиликларим унут бўлди. Яратган меҳнатларимнинг мукофотини шу кунларга тайёрлаб қўйган экан деб ўйладим.

Автомобилини салкам 80 ёшни қоралаган онажонимга совға қилдим. У бизни — беш фарзандни тенг қўриб, қатта қилди. Ютуқларимдан жуда қувонди. “Бу машина — сеники. Ўзинг ҳайдаб юр, мен сен билан фахрланаман”, деди. Ҳозир Президентимиз совғасини ўзим ҳайдаётман. Давлатимиз раҳбари биз тадбиркорларга яратиб бераётган шароит, имконият ва имтиёزلарнинг баҳоси йўқ. Улардан самарали фойдаланиб, шу даражага эришяпмиз. Яхши яшаш учун ҳаракат қил-япмиз. Меҳнатимиз эса эътироф этилиб, бизга катта ишонч билдирилляпти.

Бир ҳудудда битта бўлса ҳам тадбиркорнинг борлиги ўша жойдаги қанчадан-қанча оилаларнинг даромадли бўлишига хизмат қилиши рост экан. Мен ҳам мана шу ишга оиламни жалб этганимдан афсусланмайман. Ҳозир беш фарзанд — ҳаммамиз шу йўналишда тадбиркорлик қиламиз. Энг кичик синглимнинг қўлида ҳам 50 одам ишляпти. Ҳаммамизнинг яшашимиз яхши, шароитимиз етарли.

Тўғри, бу кунларга етиб келиш осон бўлмади, аммо ҳозир ҳаракат қилган одам учун барча имконият бор. Яна бир ҳаётий ҳақиқатни аянлаб етганман: аёл ҳар қанча ишбилармон бўлмасин, асосий эътиборини, аввало, оилага қаратиши керак. Оилани жой-жойига қўйса, яқинлари ёнида бўлсагина муваффақиятга эришади. Қолаверса, сабр ва шукрда, мақсадларга эришишга ишончда гап катта, ҳаётим бунга мисол.

Шундай шароитлар яратиб берилганида, инсон янада кўпроқ ишлаш, ривожланиш, фаолиятини кенгайтиришга интилар экан. Яқунланаётган йилда “Ҳамроҳ” лойиҳаси томонидан янги қувватни ишга тушириб, кўпроқ бўш иш ўрни очиб тақлифи берилди. Бажонидил рози бўлдим ва лойиҳа кўмагида Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида чиқиндиларни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди. Завод учун ер туман ҳокимлиги томонидан имтиёзли шартлар асосида ажратилди. Лойиҳа ишга тушиши натижасида 100 та иш ўрни очилади. Бу яна шунча одамнинг бандлиги таъминланиб, ўнлаб оиланинг доимий даромад манбаи бўлади деганидир.

Бугуннинг гапи

Мамлакатимизда кейинги йиллардаги кенг кўламли ислохотлар, айниқса, ижтимоий соҳадаги туб ўзгаришлар Ўзбекистон тараққиётининг мутлақо янги босқичини белгилаб бермоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатномаси ҳам айнан шу жараёнларнинг мантикий давоми сифатида жамият ҳаётида катта сиёсий-ижтимоий воқеага айланди.



ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ФАРОВОНЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ДАСТУРИ

Мурожаатнома нафақат келгуси йил учун ҳаракатлар дастури, балки янги Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий давлат моделининг аниқ концептуал ифодаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбари нутқида келтирилган ҳар бир рақам, ҳар бир устувор вазифа ортида инсон манфаати, қадри, ҳаёт сифати ва ижтимоий ҳимояси масаласи мужассам. Шу маънода, Мурожаатномани фақат иқтисодий ёки бошқарув ҳужжати сифатида эмас, балки ижтимоий адолат, фаровонлик ва барқарорликка қаратилган кенг қамровли дастур сифатида қабул қилиш ўринли.

Унда илгари сурилган ижтимоий ғоялар парламент зиммасига янада катта масъулият юклайди. Чунки бугун парламент фақат қонун қабул қилувчи институт эмас, балки ислохотларнинг жойларда қандай амалга ошаётганини назорат қилувчи, аҳолининг кайфияти ва эҳтиёжларини давлат сиёсати-га олиб кирувчи муҳим кўприк вазифасини бажармоқда.

Айни пайтда нафақат юртдошларимиз, балки халқаро жамоатчилик эътибори марказида бўлган ушбу Мурожаатномадаги ижтимоий масалалар, аввало, инсон ҳаётининг энг асосий соҳаларини қамраб олади: иш билан бандлик, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиёт сифатини ошириш, маҳалланинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ёшлар ва хотин-қизлар саноатини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳавфсизлик ва адолатли муҳитни таъминлаш. Бу йўналишларнинг барчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Уларни алоҳида-алоҳида эмас, балки ягона ижтимоий тизим сифатида кўришни талаб қилади.

Сўнгги тўққиз йилда эришилган натижаларга эътибор қаратилса, ислохотлар самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу, аслида, янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий мезонини ифодалайди: **ислохотлар қоғозда ёки ҳисоботларда эмас, балки одамлар ҳаётида намоён бўлмоқда.**

Ана шу нуктаи назардан қараганда, Мурожаатномада ижтимоий соҳада илгари сурилган вазифалар тасодифий ёки эпизодик характерга эга эмас. Улар мамлакатимизда шаклланаётган янги ижтимоий муҳитнинг мазмун-моҳиятини очиб беради. Бунинг моҳияти шундаки, давлат фуқаролар учун муносиб турмуш шароити яратиш, ижтимоий ҳимоя ва тенг имкониятларни таъминлаш мажбуриятини олади, фуқаролар эса, ўз навбатида, фаоллик, меҳнатсеварлик ва қонунга итоат орқали жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Мурожаатномада алоҳида эътибор қаратилган масалалардан бири ижтимоий сиёсатнинг маҳаллага туширилишидир. Бу борадаги ёндашув тамоман янги босқични англатади. Илгари ижтимоий дастурлар марказдан туриб ишлаб чиқилар, жойларда эса улар кўпичина формал тарзда амалга оширилар эди. Бугун эса камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари очиб, ижтимоий ёрдам бевосита маҳаллада ҳал этилаётгани давлат бошқарувидаги муҳим сифат ўзгаришидир.

2025 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши ҳам ижтимоий сиёсат марказида инсон ва унинг яшаш муҳити турганини яққол



Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракция раҳбари

кўрсатади. Маҳалла энди фақат урф-одат ва яхши қўшничилик муносабатлари макони эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тарбия, бандлик ва ижтимоий ҳимоянинг асосий майдонига айланимоқда.

Парламент депутатлари учун ҳам Мурожаатномада белгиланган ижтимоий вазифалар янги иш услубини тақозо этади. **Энди депутат фақат қонун муҳофазатчиси эмас, балки ўз округидаги ҳар бир маҳалланинг муаммосини билиб, уни ҳал этишга масъул шахс сифатида фаолият юри-тиши шарт.** Давлат бюджети ҳисобидан депутатлар ихтиёрига ажратилаётган маблағлар ҳам айнан шу масъулиятни янада оширади.

Мурожаатномада кўтарилган масалалар нафақат бугун, балки келгуси йиллар учун ҳам ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Энди бу ғояларнинг ҳаётага татбиқ этилиши, аввало, парламент, ижро ҳокимияти ва маҳаллий даражадаги барча масъул тузилмаларнинг ҳамжиҳат ва масъулиятли фаолиятига боғлиқ.

Ижтимоий масалалар орасида энг марказий ўринлардан бирини камбағалликни қисқартириш ва аҳолини даромадли қилиш сиёсати эгаллайди. Бу бежиз эмас. Чунки камбағаллик нафақат

иқтисодий, балки ижтимоий адолат, инсон қадри, жамият барқарорлиги ва давлатга ишонч масаласи ҳамдир. Шу маънода, камбағалликка қарши кураш янги Ўзбекистонда фақат ижтимоий ёрдам бериш билан чекланиб қолмай, кенг қамровли институционал ислохотларга таянаётгани билан аҳамиятли.

Рақамлар бу сиёсатнинг натижадорлигини яққол кўрсатади. Зеро, сўнгги йилларда 8,5 миллиондан зиёд фуқаронинг камбағалликдан чиқарилгани, камбағаллик даражасининг 8,9 фоиздан 5,8 фоизга туширилгани, минглаб маҳаллаларнинг “камбағалликдан холи ҳудуд” мақомига эга бўлгани оддий статистика эмас. **Бу рақамлар ортида миллионлаб инсонларнинг ҳаётидаги реал ўзгаришлар, иш топган оилалар, ўз даромадига эга бўлган ёшлар ва аёллар тақдир-и турибди.**

Депутат сифатида сайлов округларидаги ҳолатни кузатар эканмиз, бу рақамларнинг жойларда реал ифодасини кўраимиз. **Илгари ижтимоий ёрдам деганда фақат нафақа ёки бир маргалик моддий кўмак тушурилган бўлса, бугун давлат сиёсати камбағал инсонни фаол иқтисодий субъектга айлантиришни мақсад қилган.** Бу эса мутлақо янги ёндашувдир.

Асосий мақсад одамларни доимий даромадли қилиш. Бу тамойил ижтимоий

“Депутатлик фаолияти марказида инсон туриши керак. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун, ҳар бир бюджет қарори, ҳар бир назорат тадбири инсон ҳаётига қандай таъсир қилаётгани нуктаи назаридан баҳоланиши шарт. Бу янги Ўзбекистон парламентаризмининг асосий мезони бўлиши лозим.

сиёсатда парадигма ўзгаришини англатади. **Давлат камбағаллик оқибатлари билан эмас, балки унинг илдиз сабаблари билан курашмоқда.** Бандлик, касбага ўқитиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб, микролояҳалар орқали маҳалланинг ўзида иш ўринлари очиб ана шу ёндашувнинг амалий кўринишидир.

Хусусан, Мурожаатномада маҳалла-ларда саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳа-ларини ривожлантириш, ҳар бир маҳаллада ўнлаб микролояҳаларни амалга ошириш, маҳалла банкирлари ва ҳоким ёрдамчилари орқали молиявий ресурсларни тўғридан тўғри аҳолига етказиш тизимига катта эътибор қаратилди. Бу

ижтимоий сиёсатни марказдан жойларга эмас, балки жойдан марказга қараб шакллантириш моделига ўтишни англатади.

Парламент аъзоси сифатида бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси олди-да ҳам янги вазифалар пайдо бўлаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар самарадорлигини таъминлаш учун қонунлар ижросини қатъий назорат қилиш, жойлар-да маблағларнинг мақсадли сарфланишига эътиборни кучайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимидаги ортқича бюрократик тўсиқлар-ни бартараф этиш долзарб аҳамият касб эт-моқда.

Камбағалликни қисқартиришнинг яна бир муҳим жиҳати ижтимоий ҳимоя тизимининг маҳаллага туширилгани билан бевосита боғлиқ. “Еттилик” институти орқали қарорлар қабул қилиниши, эҳтиёжманд оилалар билан ишлашда ҳар бир оиланинг ҳолатини индивидуал ўрганиш амалиёти жо-рий этилди. Бу тизим ижтимоий ёрдамнинг ҳақиқатан манзиллилигини таъминлади, сунистеъмом қилиш ҳолатларини кескин ка-майтирди.

Маълумки, камбағалликни қисқартириш сиёсати фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанмайди. У жамиятда ижтимоий адолат ҳиссини мустаҳкамлайди, фуқаро-ларнинг давлатга ишончини оширади, ижтимоий кескинликни юмшатади. Бу эса барқарор тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор яратди.

2026 йил учун белгиланган мақсадлар, яъни бир миллион фуқаронни доимий иш билан таъминлаш, юз минглаб оилаларни камбағалликдан чиқариш, камбағаллик даражасини янада пасайтириш давлат сиёсатининг давоми ва тизимли эканини кўрсатади. Бундай вазифаларнинг бажарилиши нафақат ижро ҳокимияти, балки парламент, фуқаролик жамияти институти ва маҳаллий жамоаларнинг ҳам-жиҳат ҳаракатини талаб этади.

Шу маънода, камбағалликни қисқартириш сиёсати янги Ўзбекистонда ижтимоий адолатни таъминлаш йўлида-ги энг муҳим йўналишлардан биридир. Бу сиёсат инсонни пассив ёрдам олуви-чи эмас, балки ўз тақдир учун масъул, меҳнат қилувчи ва жамият тараққиётига ҳисса қўшувчи фаол фуқарога айланти-ришни кўзда tutади. Айнан шу ёндашув мамлакатимизда фаровон ва барқарор жамият барпо этишнинг энг ишончли кафолатидир.

Аслида, маҳалла жамиятимизнинг аспрал давомида шаклланган ноёб ижтимоий институти. У фақат ҳудудий бирлик эмас, балки қўшничилик, ўзаро ёрдам, маънавий тарбия ва ижтимоий назо-рат макони бўлиб келган. Янги Ўзбекистон-да маҳалла ижтимоий-иқтисодий ривожла-нишининг фаол субъектига ҳам айланмоқда.

Мурожаатномада депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал қилиш учун аниқ молиявий ресурслар ажратилиши, ҳар бир депутатнинг ташаббуслари қўллаб-қувват-ланиши белгиланди. Бу депутатнинг жамият олдидаги масъулиятини янада ошириб, уни маҳалланинг ҳақиқий вакилига айлантиради.

Маҳалла тизими орқали ижтимоий сиёсат-ни амалга оширишнинг яна бир муҳим жиҳати жамоатчилик иштирокчини кучайтиришдир. Мурожаатномада келтирилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аҳолининг 90 фоиз-дан ортғи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаши тасодифий эмас. Ушбу ҳолат маҳалланинг жамиятда ижтимоий капи-тал манбаи экани, одамлар ўртасида ишонч ва бирдамликни шакллантиришда беқиёс аҳа-миятга эгалигини кўрсатади.

Маҳалла ва туман бюджетларини мус-таҳкамлашга қаратилган чоралар ҳам ижти-моий барқарорлик нуктаи назаридан муҳим. Даромаднинг бир қисmini туманларда қолдириш, ортқича бюрократик штатлар-ни қисқартириш орқали тежалган маблағни аҳоли манфаатига йўналтириш маҳаллий бошқаруving молиявий жиҳатдан мус-тақиллигини таъминлайди. Бу эса маҳалла-даги муаммоларни тезроқ ва самарали ҳал қилиш имконини беради.

Депутатлик фаолияти марказида ин-сон туриши керак. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун, ҳар бир бюджет қарори, ҳар бир назорат тадбири инсон ҳаётига қандай таъ-сир қилаётгани нуктаи назаридан баҳолани-ши шарт. Бу янги Ўзбекистон парламентаризмининг асосий мезони бўлиши лозим.





ТАЪЛИМГА КИРИТИЛГАН САРМОЯ – КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ



Ихтиёр БЕКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли таълим экани Мурожаатномада яна бир бор қатъий таъкидланди. Чунки ёшларга мақсадли ва сифатли таълим-тарбия бермай, миллий тафаккурни ислоҳ этмай туриб, иқтисодиёт, саноат ёки ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш мумкин эмас. Бу ҳақиқатни жадид боболаримиз ҳам юракдан англаган. Улар миллий истиқлол ва тараққиётга маърифат, замонавий илм-ҳунар ва мунтазам таълим орқали эришишга ишонган. “Миллатнинг тараққийси анинг аввал мунтазам мактабларидан бошланур” деган тамойил жадид маърифатпарварларининг ҳаётий эътиқодида айланган бекжиз эмас.

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанснинг бунёд этиш йўлида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Абдурауф Фитратнинг “Нажот йўли” асарида айтилган фикр бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ: “Болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қилдилар”. Демак, қандай муҳит яратсак, қандай таълим берсак, келажақ ҳам шундай бўлади.

Мурожаатномада алоҳида ургу берилган яна бир муҳим масала касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратишдир. Бугун жаҳонда рақамлаштириш, сунъий интеллект ва илгор технологиялар таъсирида меҳнат муносабатлари, иш ўринларининг шакли ва мазмуни тубдан ўзгармоқда. Яқин йилларда кўплаб анъанавий касблар автоматлаштирилиши, айни пайтда эса мутлақо янги малака ва компетенцияларга эҳтиёж ортиши кутилмоқда. Шу боис, мамлакат меҳнат бозори касб, малака, технология ва таълимни ўзаро уйғунлаштиришга ягона тизим сифатида ишлаши зарурлиги стратегик вазифа сифатида майдонга чиқмоқда.

Бу ёндашувнинг илмий-амалий асослари халқаро статистик маълумотларда ҳам яққол намоён бўлади. Хусусан, БМТ маълумотларига кўра, инсоннинг мактабда ўқиган ҳар бир қўшимча йилли келгусидаги даромадини ўртача 7 фоиз оширади. Таълим иқтисодий тараққиётнинг асосий драйвери бўлиши билан бирга, аҳоли саломатлигининг яхшиланиши, жиноятчилик камайиши, ижтимоий фаоллик ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Хозир ривожланиётган мамлакатларда бошланғич таълим қамрови 91 фоизга етгани ўқитиш соҳасидаги ислохотлар глобал аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, ҳали қиладиган ишимиз кўп. Таълим ижтимоий адолат, соғлом авлод ва барқарор тараққиётнинг ҳал қилувчи омил, Президентимиз таъбири билан айтганда “хаёт-мамонт масаласи”дир.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ислохотларнинг энг муҳим ва асосий мезони аниқ-равшан белгилаб қўйилди: “ислохотлар натижаси ҳар бир инсон ҳаётида намоён бўлиши керак”. Ушбу тамойил инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб, муносиб ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган барча янгиланишларнинг ғоявий ўзаги сифатида намоён бўлмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбари илгари сурган 6 та стратегик устувор йўналиш инсон кадрини юксалтиришга қаратилган ягона, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тизимни ташкил этиб, изчилликни таъминлашга хизмат қилади.

Хориж тажрибаси ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жаңубий Корея ва Сингапур каби давлатлар таълим ва инсон капиталига йўналтирилган изчил инвестициялар орқали қисқа тарихий даврда инновацион иқтисодиётга эга, рақобатбардош ва барқарор ривожланаётган мамлакатларга — “Осиё йўлбарслари”га айланди. Ушбу тажриба таълимга сармоя харажат эмас, балки миллат келажагига қиритилган энг самарали инвестиция эканини кўрсатади. Шу маънода, Мурожаатномада таълим, касбий тайёргарлик ва янги меҳнат бозорига



қаратилган ислохотлар янги Ўзбекистон тараққиётининг мустақам пойдевори сифатида намоён бўлмоқда. Ёшларнинг иқтисодий, қизқичли ва қобилиятини ўз вақтида аниқлаб, шу асосда 7-9-синфдан касбга йўналтириш, ўз навбатида, касбий қизиқишни шакллантириш ва онгли танлов имкониятини беришга хизмат қилади. Бу эса таълимни реал меҳнат бозори билан боғлаш дегандир.

Техникумларни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг моҳияти ҳам шу билан боғлиқ. Президентимиз техникумларни иқтисодиётни ҳаракатга келтирадиган, ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган таянч бўлин сифатида кўрмоқда. Бунинг учун 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили қамида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори касбларга мос ҳолда жиҳозлаш мақсад қилиб олинди.

“Илгор касбий маҳорат техникумлари” ва “Касблар шаҳарчаси” ғояси эса таълим фалсафасидаги яна бир муҳим бурилишни ифода этади. Бу ташаббус орқали касб танлаш тажрибаси улғайиб келаётган ёшлар қурилиш, сервис, қишлоқ ҳўжалиги ёки “яшил” энергетикада ўзини сынаб кўриб, касбни онгли равишда танлашда муҳим платформа вазифасини ўтайди.

Президентимиз таъкидлаган “дуал таълим” тизими мазмун-моҳияти жиҳатидан чуқур ижтимоий-

иқтисодий маънога эга. Ўқитиш билан ишлаб чиқаришни бирлаштирган ушбу модель ёшларнинг меҳнат бозорига мослашувини тезлаштиради, иш берувчи билан битирувчи ўртасида ишончли кўприк яратади. Асосийси, талаба назариядан ҳам, амалиётдан ҳам узилмади. Яъни назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланди. Бугун минглаб ёшларнинг ўқиш билан бир вақтда даромад топаётгани шу тизимнинг ҳаётлигидири ишбтлаб турибди.

Бугун автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қурилиш, транспорт, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, сервис ва ахборот технологиялари соҳаларида 70 мингта яқин йилгит-қиз дуал таълим асосида ўқиш билан бир вақтда пул ишлаб топмоқда. Ушбу тизимни янада кенгайтириш мақсадида техникумлар ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-қувватланиб, дуал таълимни самарали жорий этган корхоналарга имтиёзли кредитлар, солиқ енгилликлари бериш ва рағбатлантирувчи механизмларни қўллаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчини стипендия бериш тартиби жорий этилиб, юқори натижага эришаётганлар қўшимча рағбатлантирилади. Бу эса касбий таълимни қизиқишни янада оширишга хизмат қилади.

Дуал таълим орқали олинган билим назария ва амалиёт уйғунлигига асослангани учун ёш мутахассис меҳнат бозорига тайёр ҳолда қиради, яъни қайта ўқитишга эҳтиёж камайди, ишлаб чиқариш самарадорлиги эса тезроқ ошади.

Бошқа жиҳатдан, мазкур тизим ижтимоий барқарорлик ва адолатни кучайтиради. Ёшлар ўқиш давридаёқ меҳнат қилиб, қонуний даромад топиш орқали ижтимоий ҳимояга эга бўлади, ишсизлик ва норасмий меҳнат хавфи камайди. Иш берувчилар таълим жараёнига бевосита жалб этилгани сабабли кадр тайёрлаш иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилдаги тегишли фармони асосида юридик таълим вақтининг ярмини амалиётда ўташ тартибининг белгиланиши юртимизда юридик кадрлар тайёрлаш тизимининг туб бурилиш нуқтаси бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёш мутахассисни ҳаётга тайёрлаш, яъни фақат ҳуқуқий билим бериш эмас, балки муаммони кўра билиш, таҳлил қилиш, адолат мезонларини англаш ва инсон тақдирини учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган. Шу маънода, дуал таълим — касб орқали шахсни тарбиялаш, десак, асло муболага бўлмайди.

Олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид қарорлар ҳам Президентимиз стратегик ташаббусларининг халқчил эканини намоён этади. Жиҳаз политехника институтининг нуфузли хорижий университет бошқарувига берилиши ёки Япония билан ҳамкорликда янги ОТМ ташкил этилиши маҳаллий таълимни глобал илм-фан маконига олиб чиқишга қаратилган стратегик ёндашувдир.

Бу эса, ўз ўрнида, миллий олий таълим муассасалари ўқув дастурларининг замонавий талаблар асосида такомиллашуви, профессор-ўқитувчилар салоҳиятининг ошиши ва илмий тадқиқотларнинг халқаро стандартларга мослашувини таъминлайди. Қисқаси, миллий олий таълимни “маҳаллий тайёрловчи”дан “глобал қиймат яратувчи” тизимга айлантиради.

Хозир ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг 50-70 фоизига янги технологилардан фойдаланиш орқали эришаётганининг ўзи барча соҳани рақамлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Тадқиқотлар рақамли XXI асрда келгусида касб ва мутахассисликларнинг 80 фоизи бевосита STEAM фанлари ва энг янги технологиялар билан боғлиқ бўлишини кўрсатади.

Илгор, ривожланган давлатларда илмий тадқиқот институтлари инновацияларни тижорийлаштириш борасида йирик корпорацияларга рақобатбардош бўлишга интиломоқда. Мисол учун, Германиянинг “Вольфсбурген” концерни инновацияга жаҳоннинг обрўли илмий марказларидан бири — Гарвард университети умумий молиявий активлари микдорида, яъни 13,5 миллиард сарфлаган.

Битирувчилар ва иш берувчиларни боғловчи рақамли экотизим ҳам гоят долзарб аҳамиятга эга. Бу ёндашув орқали талабалар ўз қобилияти ва академик натижасига мос ишни тез топади, корхоналар эса малакали кадрларни аниқ ва шаффоф механизм орқали жалб қилади. Шубҳасиз, бундай комплекс ёндашув кадрлар оқимини оптималлаштириш, ишсизликни қисқартириш ва инсон капиталидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган барқарор институционал ечим сифатида баҳоланади.

Шу боис, жорий йилда Ўзбекистонда ташкил этиладиган кластер ва шаффоф механизм орқали худудий кластер ва логистика марказларининг илмий-тадқиқот марказлари билан интеграциясини ривожлантириш илмий ҳамжамият олдидаги долзарб вазифалардан.

Президентимиз таълимни ҳуқуқий давлат ва адолатли жамиятни барпо этишнинг энг ишончли йўли сифатида белгиллагани бу йилги Мурожаатномада яна бир бор яққол намоён бўлди. Мазкур ёндашув таълим тизимини иқтисодиёт эҳтиёжлари билан бевосита уйғунлашган, ҳаётга яқин ва самарали механизм сифатида қайта ташкил этишни кўзда тутди. Натижада ёшлар назарий билим билан чекланиб қолмай, реал малака ва касб эгаллашга йўналтирилади, меҳнат бозори эса замон талабларига мос ва барқарор тарзда шаклланади.

2025 йил 31 декабрь, 273-сон



Нуқтаи назар

Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халқимизга Мурожаатномаси ҳар йилги анъанавий, мамлакатимизнинг келгуси йил ва ўрта муддатли истиқболдаги ривожланиш йўналишини аниқ белгилаб берувчи стратегик “йўл харитаси”дир. Бинобарин, унда эришилган ютуқлар сарҳисоб қилиниб, устувор йўналишлар белгилаб олинади.



Гулнора ИСМОИЛОВА,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси
ижрочи директори

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАН ВА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

Жорий йилги Мурожаатномада профессионал, технологик жиҳатдан саводхон, глобал фикрлайдиган ҳамда жамият олдида чуқур масъулият ҳис қиладиган янги авлод кадрларига талаб шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Глобал вазият мураккаб-лигига қарамай, 2025 йил сезиларли натижалар йили бўлгани кўрсатиб берилди. Бандлик ошиши, камбағаллик камайиши, миллионлаб фуқаролар учун даромад манбалари кенгайиши, инклюзив таълим ривожланиши ва ижтимоий инфратузилма мустаҳкамланиши — буларнинг барчаси ислохотлар тизимли самара бераётганидан далолат. Бу рақамлар замирида давлат сиёсати марказига қўйилаётган инсон қадрини ва фаровонлигини таъминлаш мақсади муҳасса.

Мурожаатномада технологиялар ва инновацияларга асосланган иқтисодий ривожланиш алоҳида ўрин эгаллади. Юқори қўшилган қийматли ўснш моделига ўтиш, соҳаларни рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш мавҳум гаплар эмас, балки тегишли инсон капиталини талаб қиладиган аниқ йўналишлар экани алоҳида қайд этилди. Шу ўринда савол туғилади: бу вазифаларни ким бажаради?

Президентимизнинг жавоби аниқ — билимли ва касбий маҳоратли ёшлар. Мурожаатномада таъкидланганидек, меҳнат бозори шиддат билан ўзгармоқда. Демак, давлат ахборот технологиялари, сунъий интеллект, муҳандислик, “яшил” энергетика, тиббиёт, транспорт, космик соҳа бўйича мутахассисларни олдиндан тайёрлаш зарур. Биринчи сунъий йўлдошнинг учирлиши ва биринчи ўзбек космонавтини тайёрлаш ишлари бошлангани ҳақидаги хабар нафақат илмий ютуқ рамзи, балки ёшларга кучли туртки бўлди: Ўзбекистон илм-фан ва юқори технологияларга эътибор қаратмоқда.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолияти ҳам ушбу устувор йўналишлар билан бевосита боғлиқ. Ахборот

технологиялари ва рақамли технологиялар, сунъий интеллект, муҳандислик, тиббиёт, давлат бошқаруви, фундаментал ва амалий фанлар, шунингдек, космосга оид янги соҳалар учун кадрлар тайёрлаш жамғарманинг асосий стратегик йўналишларидан.

Мурожаатномада белгиланган етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликни кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Цўқуба миллий университети билан биргаликда аниқ фанлар бўйича янги олий таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор академик дипломатия давлат ривожланиш стратегиясининг бир қисмига айланаётганининг ёрқин намунаси. “Эл-юрт умиди” жамғармаси учун бу йўналиш устувор аҳамиятга эга: биз ёшларни чет элга ўқишга юбориш билан бирга тизимли ҳамкорлик, қўшма дастурлар, икки томонлама дипломлар ва тадқиқот лойиҳаларини йўлга қўямиз, билим ва бошқарув маданиятининг мамлакатимизга ўтказилишини таъминлаймиз.

Президентимиз меҳнат бозорининг янги тузилмасини шакллантириш, касб-ҳунар таълими, техникумлар, дуал дастурлар ва эрта касбга йўналтиришни ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, жамғарма таълим, технология ва келажақ иқтисодиёти ўртасида боғловчи бўлин бўла оладиган юқори интеллектуал салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашда ўз ўрнини кўрмоқда.

Инсон капитали ёрдамчи элемент эмас, миллий рақобатбардошлик ва барқарорлик асосидир. “Эл-юрт умиди” жамғармаси ўзгаришларга мослаша оладиган, янги Ўзбекистон тараққиётига йўналиш берадиган мутахассислар авлодини шакллантиришга интиломоқда. Ишончимиз комилки, белгиланган мақсадлар барча тараққиёт институтлари учун мўлжал бўлиб хизмат қилади. 2026 йил эса мамлакат ва фуқаролар фаровонлиги йўлида билим, технология ва давлат масъулиятини янада чуқурроқ уйғунлаштириш йили бўлади.

МЕН УЧУН ЭНГ ЧИРОЙЛИ МУКОФОТ

2025 йил ҳаётимдаги энг омадлик,
бетақор йил бўлди. Қўшалоқ байрамлар,
кўп йиллик орзуларим рўёби, яна қатор
муваффақиятларни айнаи шу йил тухфа этди.



**Мадинабону
МУҲАММАДРИЗОЕВА,**
Зулфия номидаги давлат
мукофоти соҳиб

Тўққиз йил аввал илк бор Зулфия номдаги давлат мукофотига номзодлик учун ҳужжат топшириганимда саҳнада бир хил либосда саф тортиб турадиган Зулфияноним қизларига жуда ҳавас қилардим. Чунки у ҳеч бир давлатда йўқ, энг чиройли мукофот деб билмаман. Ҳар йил 8 март арафасида Зулфияноним қизлари тантанавор тақдирланаётганида онажоним “Қизим, қани эди сени ҳам шу саҳнада кўрсам”, дер эди. “Насиб қилса кўрасиз, Президентимиз ёшларга барча шароитни яратиб берапти. Мен ҳам астойдил ҳаракат қилсам, албатта, шундай ютуққа эришаман”, деб ваъда берганман. Қатор йиллар муюфқот насиб этмаса-да, мақсадимдан қайтмадим. Бутун салоҳиятимни шеър-ят ва таржимонлик йўналишига бағишладим.

Ҳар йили танловнинг республика босқичига чиқдим. Бадиий таржима бўйича Зомин семинари ва бошқа халқаро анжуманларда қатнашдим. 2023 йили ўтказилган Зомин семинарининг республика босқичи совриндори бўлдим. Ўзимга ўзим тинмай “Хали шундай кун келади: дадажонимнинг исми катта саҳнада тилга олинади. Мени ҳам тантанавор равишда саҳнага тақдир қилишади. Онажоним эса бахтли оналар қаторида бўлади”, дердим. Айнан шу истакларим мақсадимга етишим, жамиятда ўз ўрнини топишда менга қанот бўлди. 2025 йилда онажоним Президентимиздан Зулфия номдаги давлат мукофотини олаётганини ўз кўзи билан кўриб, чиндан ҳам дунёдаги энг бахтли оналардан бири бўлганини айтди. Давлатимиз раҳбарининг “Ота-онангизга, устозларингизга раҳмат!”, деган миннатдорлик сўзлари эса кейинги орзуларим учун куч бағишлади.

Интилишларим ва муваффақиятим мисолида ўзимга ўхшаган кўплаб қизларни кўраман. Уларга орзу ва мақсадни баланд олган инсоннинг муваффақиятга эришишига бутун коинот ёрдам беради дегим келади. Эзгу ният йўлидаги ҳеч қандай ҳаракат бенз кетмайди. Акс ҳолда, мен Зулфия номдаги давлат мукофоти билангина чекланиб қолардим. Болагимда “Катта бўлсанг, ким бўласан?” деб сўраганида “дипломат бўлам”, дер эдим. Бу йил шу орзум ҳам рўёбга чиқди. Ўзбекистон бизнес дипломатияси уюшмасига халқаро

мухбир этиб тайинландим. Университетда иқтисодиёт йўналишида ўқитганим боис, Ўзбекистон миллий иқтисодий ҳамкорлик уюшмасининг Тошкент шаҳри вакили бўлдим ва вилоят вакиллари учун ташкил этилган ўқув курсини муваффақиятли тамомладим.

Яқунлаётган йилнинг яна бир ёрқин жиҳати шундаки, ўзим орзу қилган шахсий кутубхонам очдим. Чет эл адаблари ва ўзбек адабиётининг йирик вакиллари асарларини таржима қилиш бахтига муюссар бўлдим. Зеро, болагимдан таржиммага қизиққанман. Таржималарим дунё юзини кўрса, дердим. Бу ниятим ҳам рўёбга чиқпти.

Чет тилини ўрганиш бугун ёшларнинг энг зарур ҳаётий эҳтиёжига айланди. Шу маънода, инглиз тилидан ташқари корей тили ҳам қизиқиб ўрганаман. Ёшлар инглиз тилини тез ва осон ўрганиши учун янги методлар асосида “New Time New English” номли китоб тайёрлаб, нашр эттирдим. Ўзбекча Википедия аъзоси эканим, замонавий ахборот технологиялари бўйича ҳам чуқур билимга эга бўлишимда ёшларга яратилаётган имкониятлар муҳим ўрин тутди. Улардан унумли фойдаланиб, АТ академияларидан бирида ёшларга инглиз тилини ўргатиб келяпман.

Бу йилда, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари сафидан жой олдим. Кейинги мақсадим — менга билдирилган ишонччи оқлаб, магистратура таҳсилини хорижда давом эттириш.



Ғаройиб суҳбатдош

“Ғаройиб суҳбатдош” руқни очилганида дастлаб газетамиз учун ҳақиқат билан суҳбат уюштиргандик. Кейинроқ, ноқамтарлик бўлса ҳам, Ўзим билан қизиган гурунғ ҳавола этилди. Бугун эса кузатаётганимиз — 2025 йилнинг дилидагиларни билгимиз келди. Зеро, “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили” деб ном олган йилда барча жабҳада қўлга киритилган улкан натижалар халқимиз фаровонлиги ва қадрини оширишга, Ватанимизнинг халқро майдондаги обрўси юксалишига, кенг эътироф этилишига омил бўлди.

— Мана, киприк қоқгулик фурсат ўтиб, сафаринг ҳам қариди. Ахир кечагина сени таътилга ва шоду хуррамлик билан кутиб олгандик. Бугун эса қадрлардек кузатиш арасидамиз. Биздан хафа ё хурсанд эканингни билдириб кетсанг дегандик...

содий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Марказий Осиё экологик муаммолар олдида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий



ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ОДАМЛАР ОРАСИДА

(2025 йил билан гурунғ)

— “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” номини олган 2026 йилга ҳавасим келяпти, ахир у мен кўрмган ўзгаришларга гувоҳ бўлиши аниқ. Ишонанман, у мендан бошланган суръатга шиддат журътта журъат қўладиган муносиб давомчи сифатида кириб келяпти. Шижоатли, меҳнатсевар Ўзбекистон халқи ҳам уни муносиб кутиб олишига таяиб. Акаларим — аввалги йиллар айтганидек, ҳозир одамлар анча ўзгарган, уларда ҳар бир иш, юмуш ва фаолиятга дахлдорлик ҳисси кучайган. Инсоният, кишилик жамияти учун муҳим бўлган яна бир фазилатни ҳам кузатдим — бу юрт кишиларидоги жиқлашушга интилиш, бир жонун тан бўлиб амалий ишларга кирилиши.

Бу эса келаятган йилда янада улкан натижа ва кўрсаткичлар таъминланишини, буларнинг ҳаммаси халқ ҳаётида яққол акс этишини кафолатлайди. Мана шулардан хурсандман. Умуман, жамиятнинг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили” сифатида мени шод қилган жиқатлари кўп. Улар анча.

— Ҳа, номиндан келиб чиқиб, эътиборни кўпроқ шу мавзуга қаратганимиз маъқул. Умуман, номинг мазмуниндан розимсан? Кенг қўламда қилинган ишлардан кўнглинг тўлдими?

— Менинг Ер аталгим сайёрага ташрифининг илк санасида Президентининг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди. Унда 2025 йилга берилган номдан асосий мақсад — инсон ва табиат мувозанатига асосланган тизим яратиш экани айтилди. Шунингдек, табрикда йил давомида алоҳида эътибор қаратиладиган соҳалар бирма-бир келтирилиб, долзарб ва кечиктириб бўлмас вазифалар санаб ўтилди. Менинг кўнглимни шод қилгани — бу ишлар ижросига кирилиш кўп куттирмади. Жадал тус олган жараён натижалари ҳам тез орада ўзини кўрсатди.

Қайси бирини айтмай? Гапни халқро миқёсга чиққан, жаҳон ҳамжамияти катта қизқиш билан кузатган ташаббуслардан бошлаб қоламан. Апрель аввалида дунё нигоҳи Самарқандга қаратилди. Шарқ дарвозаси бўлган қадимий кентда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва Иқлим форуми ўтказилди. Форумда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари раҳбарлари, шунингдек, Европа Иттифоқи, БМТ, халқро молия институтлари ва етакчи экология ташкилотлари вакиллари, 80 дан ортиқ давлат делегациялари иштирок этди. Унинг ялпи сессиясида Ўзбекистон Президенти нуқт сўзлади. Давлат раҳбари нутқининг аввалида форумнинг халқро миқёси ва иштирокчиларнинг нуфузи жаҳон ҳамжамияти барқарор тараққиётнинг энг долзарб масалаларига самарали ечим излашда биргаликда сайё-ҳаракатлар олиб боришга содиқлиги намунаси эканини таъкидлади.

Кун тартибда Марказий Осиё олдидан турган долзарб иқлим муаммолари муҳокама қилинди. Экологик барқарорлик, “яшил” иқти-

бирдамликни мустаҳкамлаш” резолюциясини бир овоздан қабул қилган. Унда Ўзбекистон Президентининг қатор ташаббуслари, жумладан, Марказий Осиё учун “яшил” кун тартиби ва унинг минтақада барқарор ривожланишга қўмақлаштиришдаги роли алоҳида қайд этилган ҳамда Самарқандда Халқро иқлим форумини ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватланган.

“Марказий Осиё глобал иқлим муаммоларига дуч келмоқда: умумий фаровонлик учун бирлашиш” мавзусидаги форум экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий ривожланиш ва иқлим барқарорлиги бўйича мулоқотни илгари суриш учун юқори даражадаги платформага айланди. Асосий эътибор минтақавий ва халқро ҳамкорликка қаратилди. Иқлим форуми қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини комплекс бошқариш, биологик хилма-хиллигини сақлаш ва барқарор шаҳар тараққиёти каби асосий йўналишлар бўйича эксперт панеллари, ялпи сессиялар ва сиёсий мулоқотлар учун майдон вазифасини ўтади.

Муҳокамининг асосий мавзуларидан бири глобал миқёсдаги экологик фалокатнинг яққол намунаси бўлган Орол денгизи инқирозига қаратилди. Мутахассислар ва ҳукумат вакиллари зарар кўрган ҳудудларда ерларни тиклаш, чўлланишга қарши куралиш ва иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш бўйича ечимларни кўриб чиқди.

Табдир якунлари бўйича Самарқанд форумининг якуний хужжати — “Яшил” ривожланишининг минтақавий концепцияси тақдими ўтказилди. У иқлим ўзгариши соҳасида Марказий Осиё давлатларининг ягона минтақавий қарашларини шакллантиришга асос бўлди. Унда етакчи халқро ташкилотларнинг минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ёндашувлари баён қилинган.

Яна бир мисол. 5 декабрь кунини “Барқарор энергетика — Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами” мавзусидаги миллий аҳамиятга эга халқро анжуман чоғида давлат раҳбари янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириб, навбатдагиларнинг қурилишига старт берди. Мазкур сана мамлакат энергетика соҳаси тарихидан зарҳал ҳарфлар билан ўрин олган кун бўлиб қолди. Янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектлари сони — 42 та. Бу қувватлар асосан, замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбаларга асосланган.

Улар тўлиқ қувват билан ишлаб бошлаганидан кейин йилга 15 миллиард киловатт-соат

электр энергияси ишлаб чиқаради. Шу зайдда келаси йилдан Ўзбекистонда “яшил” энергиянинг улуши 23 миллиард киловатт-соатга етади. Тикланадиган муқобил манбадан фойдаланиш йўлга қўйилиши туфайли 7 миллиард метр куб табиий газ тежаллади. Бу — атмосферага чиқатган зарарли моддалар 11 миллион тоннага камайди дегандир.

Халқро анжуманда давлат раҳбари келаси 5 йилда минглаб санот ва инфратузилма объектларини ишга тушириб, юқори даромадли иш ўринларини очиб мўлжалланаётганини эълон қилди. Санот ишлаб чиқариши юксалиб бораётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони муттасил ошаётгани, шунингдек, янги кўп қаватли уй-жойлар (800 мингдан ортиқ хонадон), 500 мегаватт қувватга



эга дата-марказ қуриш каби режалар электр энергиясига эҳтиёжни оширади.

Бу ишлар 2025 йилда, яъни менинг гувоҳлигимда суи тақчиллиги бўй кўрсата бошлады. Олимлар, мутахассислар бунинг ечимини топишга сафарбар этилган. Бир оз бўлса ҳам яхши томонга ўзгариш кўрингани?

— Амударё ва Сирдарё Марказий Осиёнинг асосий сув манбасидир. Ушбу кутув сув ўзларини минтақадаги барча давлат ҳудудидан оқиб ўтади. Ундан ҳамжиҳат фойдаланиш ҳар доим муҳим бўлган. Шу боис, тарихда турли низолар бўлишига қарамай, минтақа халқлари сувдан келишиб фойдаланган.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бугун гидроэнергетика тармоғида ҳамкорлик ривожланди. Бу кўшни давлатлар учун ҳам муҳим йўналишдир. Минтақа гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиб, биргаликда бошқариш мақсадида келгуси йили Қирғизистон ва Қозоғистон билан “Қамбарота ГЭС-1” лойиҳасини молиялаштиришга киришилиши белгиланди.

Зеро, Ўзбекистон электр энергияси қувватининг катта қисмини гидроэнергетика ташкил этади. Хорижий инвесторлар кўмағида бу тармоқ ҳам кейинги йилларда тараққий этиб бормоқда.

Жорий йилда 400 мегаватт гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Жумладан, Норин каскад гидроэлектр станциясининг 38 мегаваттлик илк гидроэлектр станцияси тўлиқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда қурилди. Ушбу истиқболли лойиҳа йилга ўртача 1025 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистонда Жаҳон банки билан ҳамкорликда дунёда илк инновацион “iCRAFT” лойиҳаси ишга туширилди ва катта натижаларга эришилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзига 17 та йирик санот корхонаси “яшил” энергетика бўйича халқро сертификатлар тизимига ўтди. Келгуси икки йилда бундай корхоналар сонини 100 тага етказиш белгиланган.

Илгари энергия етишмовчилиги Ўзбекистоннинг энг асосий оғрикли масалаларидан бири, заиф томони бўлган бўлса, хорижлик инвесторлар билан манфаатли ҳамкорлик асосида энергетика тармоғида амалга ошириладиган ишловлар бу заифлиқни катта қудратга айлантирмоқда. Бунда, албатта, давлатнинг оқилона сиёсати ҳам қилувчи аҳамият касб этаётди. Бунини халқро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этмоқда. Хусусан, 5 декабрдаги тантанали маросимда Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абдулхайн мамлакатнинг инвестицияларини жалб қилиш ва энергетика соҳасидаги фаолиятини юксак баҳолаб, Ўзбекистон раҳбарига “Бутун дунё инвесторлар билан ишлашни сиздан ўрганиши керак”, дея таъкидлади. Шунингдек, аввалроқ, Осиё тараққиёт банки раҳбари Масато Канада Италиядаги йирик молиявий анжуманлардан бирида Ўзбекистонни хусусий инвестициялар ҳисобига энергетика соҳасини муваффақиятли трансформация қилаётган намунали давлатлардан бири сифатида эътироф этди. Ушбу эътирофлар бу борада мамлакат тўғрисида бораётгани, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида янги ўфқларни кашф этаётганидан дарак беради.

— Мамлакатимизда сенинг номинг билан бўлган қатор тадбирлар, анжуманлардан ташқари, катта-катта дастурлар, муҳим қарорлар ва расмий ҳужжатлар ҳам амалга етга жорий этилмоқда.

— Ҳа, бу кундек равшан масала. Масалан, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришилиши таъминлаш йўлида давлат раҳбарининг 2019 йил 30 октябрдаги фармони билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланган эди.

2025 йил 30 январда эса “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармон қабул қилинди. Шунингдек, 2025 йил 15 майдаги қарор билан 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланган.

Ёки 19 ноябрь кунини Ўзбекистон раҳбари “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзолади. Фармонга мувофиқ экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг асосий вазифаларидан ташқари, Экология қўмитаси “Қиқнидан холи ҳудуд”, “Тоза ҳаво”, “Яшил макон”, “Эко маданият” ва “Био мерос” умумимиллий лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланиши белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу санада яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариш миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда ҳам кўпга долзарб вазифа ва чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Халқ саломатлигини таъминлаш, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган бу каби сайё-ҳаракатлар, албатта, самара беради.

— Юқоридоги биринчи саволнинг иккинчи қисмига жавоб бермадинг... — Қайси? Ҳа, тушундим, сизлардан хафаманми ёки йўқми, шунини гапирмадим-а? Тўғриси, хафа эмасман, аммо кўнглим тўлмаган бир-икки жиқатлар ҳам бор. Айтаверайми?

— Албатта-да, бунини 2026 ҳам эшитиб қўйса, фойдадан холи бўлмас. Масаланинг шу жиқатларига алоҳида эътибор қаратар... — Айрим одамлар ҳамон тежамкорлик кони фойда эканини англаб етмапти. Исрофгарлик кўп. Тўйлар, меҳмондорчиликлардаги дабдаба, сув, энергия, газдан фойдаланишда олди-ортига қарамаслик, табиий бойликлардан яширинча фойдаланиш ҳолатлари дилимни вайрон қилган пайтлар кўп бўлди.

Ёки ҳавонинг ифлосланиш даражаси ортиб кетган кезларни бир эсга олайлик. Уша кунлари Президент ҳузурида бир йиғилиш бўлди. Унда экологик барқарорлик, жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш масалалари атрофида қўриб чиқилди, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича махсус комиссиянинг ҳисоботи тинланди. Ҳаво ифлосланишига сабаб бўлаётган манбаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўналишидаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Иссиқхоналар, қурилиш майдонлари, автотранспорт воситалари ва ноқонуний фаолият юритувчи объектлар юзасидан ўтказилган текширувлар, шаҳар бўйлаб кўчаларни намланиш, ариқларни тозалаш, фаввораларни ишга тушириш каби барқарорлаштириш тадбирлари самараси таҳлил қилинди. Кучайтирилган тартибда рейдлар ва профилактика ишларини мунтазам йўлга қўйиш белгиланди.

2025 йил 24 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзолади. Ҳужжатда Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида назоратни кучайтириш ва иқлим ўзгариш оқибатларини юмшатиш мақсади ақс этган.

Аслида, давлат раҳбари доим мутасаддиларга нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам бу йўналишдаги чора-тадбирларни тизимли давом эттириш, аниқланган қонунобузарликларни тезкор бартараф этиш, ҳавога таъсир кўрсатувчи барча омилларни қатъий назоратда олиш кераклигини уқтириб келади.

Хулосам шуки, агар одамлар ўзи ташаббус кўрсатиб, меъёр ва чегараларга амал қилса, қисқа муддатда халқнинг турмуш сифати ошади. Тараққиёт шундай юксаладики, бугун бизни хурсанд қилаётган натижалар унинг соясида қолиб кетади. Чунки давлат раҳбари, мутасаддилар жуда катта марраларни белгиланган. Кенг

қўламли ишловлар, бунёдкорликлар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган сайё-ҳаракатлардан кутилаётган самара бугунгидан-да залворли.

Умуман, менинг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили деб номланганим ажойиб иш бўлди. Кимдир дарахт кесаётганини, яшил табиатга зарар етказаяётганини, атроф-муҳитга зиён келтираяётганини кўрсам, қапалагим учадди. Қани энди тилим бўлсаю, “Ҳой одамзод, ўзининг ўзинг абор қилма, ҳалокатга йўлқитирма”, дея ҳайқирсам, қўлим бўлсаю, шу ишни қилаётган кўларга ёпишсам...

— Тилинг бор шекилли, мана, биз билан мулоқот қилисан-ку...

— Мен тилим билан эмас, дилим билан гапиряйман. Бу овозни фақат дили, кўнгли, қалби тоза инсонлар тинглай билади. Мени эшитмайдиган ўша одамларнинг эса ё дили йўқ, ё уйқуда. Келаятган янги йил ана шу мудроқ қалбларни уйғотиши, уларга ҳам атрофда нималар бўлаётгани, халқ ва раҳбарлар қандай эзгу мақсадлар билан яшаётганини аниқла олишини истайман. Токи улар ҳам орузи ойдин одамлар орасидан ўз ўрнини топиш.

— Раҳмат. Бугун айтганимиз эса шу: биздан рози бўл, 2025 йил! Қадамнинг кулгуг келсин, 2026 йил!

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Нодир МАҲМУДОВ
гурунглашди.

ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФОСИДА
ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-KODNI
СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.
34211 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоғ бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборован Ғозидинов
Мусаххих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрсахбз кўчаси, 85-уй